

Даъваткорона давра сұхбати

Жорий йилнинг 15-ноябр куни 4-сонли талабалар тураг жойида “Ҳаво томчи орқали юқадиган ўткир юқумли касалликлар” мавзусида давра сұхбати ўтказилди. Мавзу бўйича институтнинг Тиббиёт бўлими бошлиғи Эшниёзов Ботир Қурбанбаевич, Хайитова Хуршида Сафаровна ҳамда 4-ТТЖ тарбиячи педагоги Хайитова Азиза томонларидан сұхбат олиб борилди. Тадбирнинг асосий мақсади аҳоли ўртасида кўп учрайдиган юқумли касалликлар грипп, қизамиғ, қизилча, сувчечак, минингит ҳамда чекишнинг заарли томонлари, уларнинг инсонларда пайдо бўлиш сабаблари, асосий белгилари, уларни олдини олиш чора-тадбирлари, тиббий муолажа усуллари тўғрисида асосий маълумотлар бериб ўтилди. Тадбир давомида талабаларнинг юқумли касалликлар тўғрисида ўзларини қизитирган саволларига тўлиқлигича жавоб беришди. Биз ўйлаймизки, бу доирадаги давра сұхбатлари ёшлар ўртасида ўтказилиши соғлом ҳаёт йўлига қўйиладиган бир қадам сифатида ифода этишимиз мумкин.



4-ТТЖ тарбиячи педагоги А.Хайитова ахбороти

Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов